






# ЎЗГА ЭМАС, ЎЗ ЖОННИМСАН, ЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМСАН

Ибройим ЮСУПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Қорақалпоғистон халқ шоири



## ЎЗБЕКИСТОН

Сайр айлаб саҳар овлоққа,  
Кирдим бир ажойиб боққа,  
Кўмилиб яшил япроққа  
Булбул билан сир сирлашдим,  
Шамол билан шивирлашдим.

Булбул айтар: "Ўшал бўстон  
Ром айлади, бўлдим мастан,  
Шундан бўн ҳеч тинмасдан  
Сайрай-сайрай эсим кетар,  
Ҳавас ортар, ундан бадтар".

Шамол айтар: "Сахро-даштдан  
Келсан кўтариб чанг-тўзон,  
Менга ноз айлаб бу бўстон,  
Эркалаб олади жоним,  
Ёввош тортади бўроним".

Гул юзиндан шабнам томар,  
Олма дараҳти интизор:  
"Уз мевамни!" – деб ялини.  
"Синиб кетмай, нозик белим,  
Мевамни уз, – дейди, – менинг".

Ишкомдан энгашган узум,  
Шираси маст айлаб узин,  
Қаролилар қаро кўзин


Сурганида юз қизарар,  
Ишк ўтида куйиб-ёнар.

Сув бўйида Мажнун толи,  
Сарховузга сочин солиб,  
Бир ширин ўйларга толиб,  
Лайли тушандек эсига,  
Термулар ой шуъласига.

Навоийнинг уропқлари,  
Кўлларида тилло тори,  
Авж олган мушоиралари,  
Янги fazal, янги мақом,  
Бу мажлисга кирдим мен ҳам.

Шундай бир ажойиб бўстон,  
Таърифласам, чексиз достон,  
Болам деб қучган меҳрибон  
Ўзга эмас, ўз жоннимсан,  
Гўзал Ўзбекистонимсан...

## Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД



## ҚАЛБИМДА НЕ СИР БОР

Жануб томонларга саф тортиб учар,  
"Курей-курей" қилиб мунгли турналар.  
Кетмоқда... Чўллардан, тоғлардан ошар,  
Кўч карвони кўчди... Юрак тирналар.

Қизил жийдаларга қировлар тушди,  
Печак гуллар жон деб толга чирмалар.  
Жийдари Бойсунда жийдалар пишид:  
Узатилган қиздек йиглар турналар.

Минг марта ўқилган севги китоби –  
Парвоз қилган күшлар сувсаб, тин олар.  
Қизилкум сон миллион дардим ютади,  
Коратеранимда соғинч, сир қолар...

Нукусдан Қарши ва Термизга қадар  
Куз қўшигин тинглаб учар турналар.  
Калбимда бир сир бор... Ким дардим олар,  
Қорақалпқ – Сурхон – Қашқадарёлар...

## Абдан ТУРДИМУРАТОВА



## ОҚКУШИМ

Тошкент боғларида учратдим сени,  
Қанотлар парвози айрар ҳушим.  
Ялт етиб қарайман, излайман сени,  
Мени излаб учуб келган, оқкушим!

Бир овулдош бўлиб келдинги юртдан?  
Ўнгидан келгандай менинг чап тушим.  
Бергин қанотларинг кўзимга суртай,  
Аму ёқдан учуб келган, оқкушим!

Ёнгинамда қараб-қараб сузарсан,  
Мени унутмабсан, сенга олқишим.  
Факат тар шаҳарга қандоқ сигарсан,  
Кенг Оролга сигмай қолган, оқкушим!

\* \* \*

Менинг кўнглим тогда қолди,  
Зоминда –  
сойларни ёқалаб  
тоғлар оралаб.  
Тиниқ туйғуларни, мўл ҳаяжонни  
ташлаб келдим – кирдан, дарддан тозалаб.

## Софинбой ИБРОХИМОВ



\* \* \*

Мен тош бўлиб тушдим тогнинг бошидан –  
егра икки одам бўйи қолганда  
кўриб қолдим қанотларимни.  
Бир сабаблар билан күшга айландим.

Тинмай айланади ер ҳаракатда –  
ўтлар ённиб, тутин кўкка ўрлайди.  
Беҳуда ташвишлар билан жон ҳалак,  
Бу тўстўполонда жонга раҳм йўқ.

Мен бу тажавусзор дунёдан кўриб,  
қайтиб учиб кетдим тогнинг бошига –  
Олпоқ музликларнинг устидаги  
Олпоқ бўлутлар юради сузиб.

Менинг ўйлаганим – бу рангларнинг  
куршовида жоним қийналар эди.  
Кўнглимдаги барча фикрлар ўлиб,  
фақат ранглар билан фикрлар эдим.

Рангларга тўладир осмоннинг ости –  
бунча қўзни алдаш не керак эди.  
Сал-сарик қумларнинг устидаги  
туялар – энг сувлув суратлар эди.

## Рустам Мусурмон таржимаси

## Рауаж ОТАРБОЕВ



## МЕҲР ГУЛИ

Муҳаббатнинг ширин дардидан  
Кўйиб, кўйиб сарайган тил бор.  
Азиз дўстлар, қалбим тўрида,  
Меҳр деган бир даста гул бор.

Яшнаб туар торт фасл қўйғос,  
Тутқазаман дўстлар дастига.  
Меҳрибонлар, битта илтимос,  
Ташламангиз оёқ остига.

## ЗЗГУ ТИЛАК

Хуру малаклардан яралган дунё,  
Тоза юраклардан яралган дунё,  
Ёвуз ниятлардан вайрон бўлган у,  
Ззгу тилаклардан яралган дунё.

Орзу-умид қанот умр йўлнингда,  
Ҳаёт шамчигори инсон кўлинда,  
Қалдирғоч ҷарх урсин ўнгуга-сўлингда,  
Ззгу тилаклардан яралган дунё.

Умидвор қалблардан кетмайди баҳор,  
Меҳр нурин кўйисин бошингдан сахар,  
Ошга кўз ёш томса, ош эмас заҳар,  
Ззгу тилаклардан яралган дунё.

Эзгули экшигин гули, нақши бўл,  
Яхши-ёмонларга бирдек яхши бўл,  
Ҳеч курса, Рауаждек сода бахши бўл,  
Ззгу тилаклардан яралган дунё.

## Иқбол Мирзо таржимаси

## АССАЛОМ

Қадим Қарақалпқ тувишган элдан,  
Сурув кўйларини кўришган чўлдан,  
Эл деб белларини боғлашган ердан,  
Жони бир, ори бир элдан ассалом!

Жайхун дарё ёқасига ярашиб,  
Игитлари тўйда улоқ талашиб,  
Кудалиги минг ўйларга улашиб,  
Қиз олиб, қиз берган элдан ассалом!

Оғаҳий мадҳ этган умр гулшанин,  
Пахлавон Махмуд асраран эл орин,  
Аваз Ўтар кутган бахтнинг – иқболинг,  
Бирга қарши олган элдан ассалом!

Комилжон кўксига ярашганда тор,  
Отажон Тўртқўлда бўлган интизор,  
Яшнаб устоз-шогирд юратган гулзор,  
Сухбати, сози бир элдан ассалом!

Омон Матжон саир этган боғлардан,  
Ошиқ Эркин сўз қидирган тоғлардан,  
Ибройим илхоми тошган чоғлардан,  
Кутлуғ қадам келган элдан ассалом!

## Баҳодир Карим таржимаси

Қанчалик кўп ўқиб, жаҳон адабиёти  
уммонига теранроқ шўнғиганим сайн рус  
адабиёти менга тобора қадрдонлашиб бо  
раверди. Бу адабиёт мен учун энг теран ум  
мон, энг юксак чўққи бўлиб кўринаверди.

Лев Толстой ижоди хусусидаги бехи  
соб қарашлар орасида, айниқса, бир  
фикр менга мансур бўлди: Толстойнинг  
буюклиги адабиёт учун нимадир қилга  
нидагина эмас, белоёй Россияни қудрат  
ли кўзгуга айлантириб, Россиянинг ўзи  
ни ўзига ва бутун дунёга ҳар томонлама  
кўрсата олганида. Назаримда, бу foят  
билинвермаганидек, адабиёт тарихида  
ҳам чинакам мутафаккири тушиниб ет

рихи ундан оламшумуроқ ёзувчини ҳали  
бilmайди.

\* \* \*

...Билиш жараёнининг чеки-чегара  
си йўқ, аммо билимнинг чегараси бор.  
Одамнинг билими, маънавий-маданий са  
вияси унинг ҳар бир иши, хатти-ҳаракати,  
гап-сўзида аён кўриниб туради. Шу ташки  
аломатлар орқалик ёш бошқа одамни била  
оладиган киши, бир сўз билан айтганда,  
мутафаккири.

Кўш ёзувчи тарзида турнига ҳадри  
билинвермаганидек, адабиёт тарихида  
ҳам чинакам мутафаккири тушиниб ет  
мазаралар тобора кенгайиб, жозиба касб  
этib, ойдинлашиб бораверди. Санъат  
нинг бош мақсади – одамдан одам қиди  
риб топишди, деган мутафаккир ёзувчи  
ҳар бир қаҳрамонида одам боласининг  
нечоғли муммомлигини кўрсатибгина  
қолмай, бу муммомни ҳар бир асарида бе  
такор тарзда ечганига амин бўлаверасиз.

**Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ,**  
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**  
**Қорақалпоғистон халқ ёзувчи**



манзаралар тобора кенгайиб, жозиба касб  
этib, ойдинлашиб бораверди. Санъат  
нинг бош мақсади – одамдан одам қиди  
риб топишди, деган мутафаккир ёзувчи  
ҳар бир қаҳрамонида одам боласининг  
нечоғли муммомлигини кўрсатибгина  
қолмай, бу муммомни ҳар бир асарида бе  
такор тарзда ечганига амин бўлаверасиз.

...Гоголь асар ёзётганида ўз қувва  
ҳофизасига ишонмай, тасвирланаётган  
вокеалларга доир тафсилотларни бош  
ка одамлардан, дўст-бирорларидан  
сўраб-суршиштиаркан. Мабоди, ким билан  
дир тортишиб қолса, баҳс пайтида муносиб  
сўз тополмай, тезда таслим бўларкан. Лекин  
эртасига ўша баҳсни келган жойдан  
давом этиришилайтади.

Бу юк рус адабиёти билан юнинг  
танишиш туфайли унинг тўрт буржиди  
қад кўтарган бири-биридан маҳобатли  
роқ, бақувватроқ тўрт чинор кўз олдимда  
намоён бўлди: Пушкин, Лев Толстой,  
Фёдор Достоевский, Михаил Шолохов.  
Бу чинорларнинг ҳар бир ишчи боран  
иккинчисига дахлсиз тарзда яшнаб  
турган бўлсалар-да, аслида уларнинг  
илдизлари рус заминининг туб-тубида  
ўзару туташиб-чатишиб кетган. Бугунги  
кунда жаҳон адабиёти бўстонидаги ҳар  
бир ниҳол бу чинорларга ҳавасланиб бўй  
чўзади.

**Қорақалпоқнома** китобидан  
Раҳимжон ОТАЕВ таржимаси

## АДАБИЁТ УММОНИДА

Нима учун Лев Толстой ўз замонаси  
учунгина эмас, бизнинг давримиз учун ҳам  
ижодий новаторликнинг тимсоли бўлиб  
хизмат қилади?

Адабиётдаги новаторлик эски бино ўр  
нида тикланган янги бинонинг ўзига хосли  
гидек нарса эмас. Назаримда, Лев Толст  
ойтага хос новаторликнинг мумхим белгиси  
– ҳаётни, одамлар ҳисматини, ҳаракетларни  
бутун мурakkabligi билан бевосита  
ёритганида, батаси тасвир ва тахли  
этганида, унварни оширмай қамайтири  
айнан кўрсата олганидадир.

Лев Толстойни якинроқдан таниганим  
сайн юрагимни вахима босаверди. Ада  
биёт йўлида дастлаби қадамни кўяйтан  
меняд бошловчи ижодкор учун санъат  
кордек бўлиши у ёқда турсин, яънатган  
асарларни ўқиб-ўзлаштиришнинг ўзи  
мушук туполди. Агар ҳар бир ҳоллини  
адабиётни унинг шаҳодатномаси деб  
бilsak, Лев Толстой буюк Россиянинг  
эмас, инсоният йилномасида XIX асрнинг  
бетакор юрт юртни ташкил кетди. Терак  
қорларни сўз санъатининг ўнг юксак  
бетакор юртни ташкил кетди.

Халқидан урганмаган ёзувчи – бе  
мақсад тентираган кема. Бундай кемалар  
адабиёт уммонида ҳолос бўлиш учун олис  
олисларда милитираган хира шуълаға тал  
пинатгандек бўлади киши! Назарингда,  
шу шуъланинг нарёнида мангу фароғат  
ўлкаси ястаниб ётган. Такор-такор  
ўқиганингиз сари хаёлнингизни асир этган

## Дониёр НУРСЕЙИТ



**Мұхаммад АЛИ,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчisi



Анкурияда юз берган жаңған кейин Амир Темур асир тушган Рум қайсари Йилдириим Боязиддинг ғуноҳидан ўтди ва ўз чодиридан йирок бўлмаган ерда унинг учун шоҳходир тикитириди. У ўғли Мусо Чалабий билан шу ерга жойлашиди.

Бир кун аввал кечган талотӯй, тапир-тупурда телага чиқиб осмонда муаллак туриб қолган қатлам-қатлам чанг, гўё тагин отлар оёги остида қолиб кетмасайдим, деб хайқандай ерга тушишга иккиланарди. Йилдириим Боязид жаңн майдонига айланган Чубукобод водийсига бир назар ташломқа ташқарига чиқди. Лекин узоқ туролмади, юраги сикилиб кўрмайин ҳам, куймайн ҳам дегандай, чодирга кайтиб кирди.

Бирдан шоҳходир ортидан таниш овоз кулогига чалинди. Шириндан ширин қизларининг овози... ми? У аждан озмадимми, қизларининг овози қаердан келяти, дегандай анграйиб қолди ва ёнидаги ўғли Мусо Чалабийга қаради. Ўғли ҳам хеч нарсани тушунмай ҳайрон эди. Шу пайт яна қизблоланинг зорланган овози эшитилди:

— Вой... Чоригим ечилиб кетди! Чоригим тушди!..

Рум сultonни вожеанинг туш эмас, ўнглигини англади. Дарҳол ҷодир тирқишидан овоз келган томонга қаради! Не ўз билан кўрсинги, Хумоюн ўрдуға олиб кетиляётган икки қизи билан асир тушган сulton хотини, мустар Деспина-Хотун оғриниб эглигчана кичкина қизининг чоригини кийдиради эди! Навкарнин дагал бўйруғидан сўнг, улар яна юриб кетишиди.

— Кизалоқларим!.. — деда ҳазин инграб юборди Йилдириим Боязид. Ҳали Деспина, суюкли хотини ҳам асир тушдими?!...

Сербия ҳукмдори князъ Лазарнинг бешинчи, кенжә қизи, серб маликаси ўн олти ўёшли Оливера Деспина кўрганларни лол колдилар даражада тархи тоза, хусни бетимсол, тароват уфуриб турган, гўзалу соҳибжомам эди. Косово жаңига отаси князъ Лазарь ҳалок бўйлач, тақдир тақосози билан Оливера Деспина янги сulton Йилдириим Боязид ҳарамига безак бўлиб тушди. Ёш малика тезда Йилдириим Боязиднинг суюкли завжасига айланди. Деспина-Хотун Йилдириим Боязиднинг ороми, жони роҳати эди. Икки қиз туғиб берди, биринчи сига Ўрз-Хотун, иккинчисига Пашамалик-Хотун деб от ўқидилар.

Йилдириим Боязид эслаб кетди. Бу воқеалардан икки йил аввал кунлардан бир кун у Бурсада саройда Миср эглисини кутиб ўтириган эди, оқ-саридан келган ойчехраси нурланган малика Деспина-Хотун назокат билан хиром айлаб кириб келди. Серб маликаси сultonга бағоят ёқадиган, бекусур қад-қоматни бўртириб кўрсатадиган тўқижгарранг, барлари кенг узун баркут кўйлакка чулганган ва бундан кўрку хусни, нафосати яна ҳам ортган эди. Кўнгли қалқиган сulton қаради-ю: “Шу ўзимнинг маликамми? Ёки... бошқаму?...”, деган хаёла борди. Малика очилиб кетганди, унинг назариди... Айнан шундай дурри якто маликани дил-дилдан суряди император!

— Сultonним, — сўз бошлади Деспина-Хотун қайсар ёнига тиз чўқаркан. — Жуда кўрқаяпмен... Кўнглим нотинч... Тушларим алағда-чалағда бўлиб кетяпти...

— Нега кўрқасен? Кўрқма, маликам! Кўнглингни асло чўқтирами!

— Туғон сultonни Темурбек Сивасни босиб олибдур, ёнгинаиздаги Кемоҳ қальасини ҳам қўлга киритибдур. Малатия унга ўтғонмис... Бу

аҳволда нима бўлади, деб хавотирга тушмакдамен.

— Ҳеч қандай ташвишга ўрин йўк! Кўриб турибсен. Темурланг олов билан ўйнашапти... Ҳа-ҳа, олов билан! Саҳрода чиққан, номи ҳам нотайин оддий бир амирнинг ўғли бўлса, хон авлоди ҳам эмас, ўзи оқсоқ... Атрофимизда ўралашиб қолди. Индамай турғонимизга ҳаволаняпти, шекилли. Менинг феълимини билмайди ҳали. Лекин, сабр косам тўлмакда... Сичқон ўлғиси келса, мушукка фамза қиласади, дейдилар.

— Сultonним... Кўнглим гаш... Ҳша подшо билан ўчакишимай, муроса қиссангиз бўймайдирму? — сўради серб маликаси. У чироили шахло кўзлашни умид билан императорга тикиди.

— Муроса?.. Нималар деяпсен?.. Бу ҳақда эшишини ҳам хоҳламаймэн!

— Туғон сultonини чўрткесар ва ёвуз дейишадур... Жуда курдатли эмиш... — давом этди Деспина-Хотун.

— Курдатли эмиш?.. Мен ҳали каллалардан минора қўлғон ўша жаллоднинг бошини ўзим узиб ташлашмай! Мана курасен! — итоб этди Йилдириим

Сайид Барака ҳам, амир ул-умаро Жаҳоншоҳ ибн Жоқу ҳам, маликанинг ўзи ҳам — ўзларини нокулавий сеза бошладилар. Орага ўнгайсиз жимлик чўди. Ким билсин, Соҳибқирон серб маликаси билан ҳарамни обод этмоқчимулар, ё... нималарни ўйламоқда эканлар Туғон сultonни?

— Сизим... Деспина-Хотун?.. — нимагадир ишора кўлганда сўради Амир Темур маликадан...

Деспина-Хотун Амир Темурнинг сўзлари тагидаги маънioni тўғри тушунишга уринди: сўзлар, бир қараганда содда, тиник, аммо уларнинг тагидаги нима яширинганд? Нима бу — Рум маликасини тиз чўкиришни истайдиларму, камситмоқчимилар, ё ҳирсий ҳоҳишлари безовта килдиму экин?..

Охиригифодани ўйла, Деспина-Хотун ногаҳоний қизларига қаради-ю, ранги оқариб кетди! Кейин шарта ўғирилиб, таъзим бажириди ва фавкулодда журъат билан Соҳибқиронга мурожаат этди:

— Ҳа... Мен — Деспина-Хотун бўламан... Соҳибқирон ҳазрати олийлари! Ўзлари бениҳоя курдатли подшоҳурлар, эшитмоқчим, жуда адолатли ҳукмдорурлар... Буюрсунлар! Ҳар қандай талавларини бажиришга тайёрдурмэн. Фақат...

— Муроса?.. Нималар деяпсен?.. Бу ҳақда эшишини ҳам хоҳламаймэн!

— Туғон сultonини чўрткесар ва ёвуз дейишадур... Жуда курдатли эмиш... — давом этди Деспина-Хотун.

— Курдатли эмиш?.. Мен ҳали каллалардан минора қўлғон ўша жаллоднинг бошини ўзим узиб ташлашмай! Мана курасен! — итоб этди Йилдириим

## Адиб таваллудинини 80 иллами

дилар. Уларга Мусо Чалабий кўшилди.

— Рум қайсари қизи — Ўрз-Хотун!

Ўртага чироили, ўн уч ёшлардаги дуркун, хушқад, кишининг суқи кирар даражада сувул қиз Ўрз-Хотун чиқиб келди. Кизининг вояж этиб қолганини кўриб Деспина-Хотун ҳам ажабтурор ҳолга тушди.

Амир Темур Ўрз-Хотунни эътибор билан кузатоша бошлади.

— Мамат! Ўрз-Хотун яқинроқ келсун!

Мұхаммад Чурога-додхоҳ деди:

— Мұхтарама Ўрз-Хотун! Амир Соҳибқирон қозига келсунлар!..

Мироншоҳ Мирзо билан Шоҳруҳ Мирзо зиданд бир-биirlariга нигоҳ ташладилар. Халил Султон ва Султон Ҳусайн Мирзолар матноли кўз уриштириб олидлар.

Ўрз-Хотунникни қадам юриб тўхтади ва беихтиёри падари бузруквori Йилдириим Боязидга қаради. Йилдириим Боязид қизидан кўзини олиб қочиб, бошини кўйи солди.

Ўрз-Хотунникни қадам юриб тўхтади ва беихтиёри падари бузруквori Йилдириим Боязидга қаради. Йилдириим Боязид қизидан кўзини олиб қочиб, бошини кўйи солди.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Сulton Йилдириим жаноби олийлари! Ёдин-

тизда бўлса, Анкурия мухорабаси бошланмасдан олдинди эди, биз ўз мактубларимизда, иккиси салтантат — бир қавм ўртасида жанг қилиш, уруш куриш нолойиқ ўюшум эканини, аксинча, дўсту қариндош бўлиб яшашимиз лозимлигини ёзғондик. Ҳали тўйлар қиласиз, қиз олиб, қиз берамиз, деб орзулар қилғондик... Биз ҳали ҳам ўша сўзимизда қатъий турбидурбиз...

Йилдириим Боязид ҳеч нарса демай тасдиқлаб, бош тебратарди.

Қўринишона бир неча лаҳза сукунат чўди.

— Биз ўша айтғон сўзимизда турбидурбиз!

— Салобат билан юриб турбидурбиз!

— Алоҳа кечиримли... Кечиримли бандаларини севадур...

Деспина-Хотун аста кўргагидаги салиб белгисини ечиб ола бошлади. Ва... бирдан калима қайтарди:

— Туғон сultonни сизни қатъ қилмайдурлар... — деди хотиржам. — Соҳибқирон адватли эмас, адолатли зот эканини меҳрибон кўзлари айтиб турбидур...

— Нималар деяпсен, Деспина?

Деспина-Хотун кескин деди:

— Алоҳа кечиримли... Кечиримли бандаларини севадур...

Деспина-Хотун аста кўргагидаги салиб белгисини ечиб ола бошлади. Ва... бирдан калима қайтарди:

— Да илаҳа иллаллоҳу Мұхаммадун расуллиллоҳ, омни!

У бирдан соҳир кўлларини кўтариб, ёришган юзига фотиҳа тортида ва бош бармогини кафтига яшириб, тўрт бармогини кўрсатди, мўъжиза юз берди: унда, ажабо, “Аллоҳ” қаломи яққол намоён бўлган эди!

Йилдириим Боязид анграйиб қолди:

— Деспина-а-а!..

Ўн уч йилдан бери мусулмонликни Деспинага қабул килдирмалаган Йилдириим Боязид, гўзал маликани жондан ортиқ севганидан барига чиради:

— Ўзбекистонникни қадамни юриб турбидур...

Йилдириим Боязид таъзим билан чиқиб, Соҳибқирон үрнидан турди:

— Абу Бакр Мирзо! Қани, бу ёққа келсунлар!

Кудачилик минг йиллик, дейдилар, — давом этди Амир Темур.

— Ўрз келининиз исмимнинг маъноси — умид демакдир, зоро, келажакда мустажкам дўстлигимизга ишорадур. Йилдириим жаноблари, бунга нима дейдилар?

Йилдириим Боязид таъзим билан чиқиб, Соҳибқирон үрнидан турди:

— Қани, дуо берсунлар ўзлари, Амир Соҳибқирон!

— Қани!

Ҳар иккиси ҳукмдор дуога баробар қўл кўтардилар:

— Бахтили бўлишсун!

— Илоҳи, бахтини берсун!

Карнай-сурнайлар Бурса шаҳрида тўй бошланганини оламга маълум қилди.

Бари худди Мир Сайид Барака шаҳридан турбидур...

Хайратланадурғон жойи шундаки, бир неча кун аввал майдонда ҳаёт-мамот жангида қиличи наиза кутариб бир-бирига ўткаганда жаҳондаги энг катта мухорабалардан бири деб хисобла-надиган уруш оловини ёққанлар, бугун хеч нарса юз бермaganдай бир-бирига табассум билан боқиб, икки ёшга бахтили умр тилаб турбидилар...

Бу тарихда нодир воқеалардан экани мүккабар, нодир бўлиб қолади ва ҳали инсонларни кўп марта ҳайратларга солади...

Пири муршид Мир Сайид Барака бунга асло шубҳа қилмайди.



Театр санъатини томошабинларга янада яқинлаштириш, вилоятлар ва пойтахтимиз театрларида кўйилаётган спектакллардан ҳалқимизни баҳраманд қилиш максадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазир

# НАВҚИРОН ЁШЛАР НАМОЙИШИ



Пойтахтимиздаги Халкаро маданият карвонсароидаги бўлиб ўтган республика ёш ижодкорларининг "Навқирон Ўзбекистон" номли амалий санъат кўргазмаси "Инсон қадрни улуглаш ва фаол маҳалла йили"га бағишланди. Ҳамкор вазирлик ва идоралар, таълаба-ёшлар, оммавий аҳборот вакиллари иштирокида ўтган тадбирнинг биринчи куни байрамона тус олди. Аңжу манда таъкидланганидек, юртимизда иккинчи бор ўтказилётган амалий санъат байрами миллий анъаналарни асрар-авайлаш, ҳалқимизга замонавий амалий санъат асрарларини тақдим этиш, шунингдек, унтилиб бораётган ҳалқ анъаналарини қайта тиклаш, оммалаштириш, замонавий амалий санъатда юз берётган жараёнларни амалда намойиш қилишига имкон беради.

Ушбу кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги амалий санъат соҳасидаги одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни маънавий баркамон инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиласиган асрарлар яратишда фаоллик кўрсататётган ўн саккиз ёшдан ўттиз чу ёшчага бўлган иқтидорли ёшлар иштирок этди. Экспозицияда етмишдан ортиқ ёш амалий санъати усталирининг саккиз юздан ортиқ ижодий ишларини кўриш мумкин.


Жумладан, Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Тошкент, Андижон каби хунармандлик мактабларининг кулолчиликда доир нобеъ ижод намуналари, ҳар бир худуднинг



ўзига хос анъаналари асосида антик ва замонавий кулолчилик услублари ўйғун холда яратилган санъат асрарлари томошабинларда катта қизиқиши ўйғотмоқда. Қорақалпоғистонлик Мансур Тўрабоев яратган турли кулолчилик буюмларида тархиҳи ва замонавий унсурлар қоришиклиги кўзга ташланса, тошкентлик кулол Шоҳруҳ Раҳимовнинг ишларида улуғвор миноралар акси мужассам. Кудрат

дек, меҳр-муҳаббат билан яратилган барча санъат асрарлари муҳлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

Бир неча кун давом этган ушбу тадбир дастури ранг-баранг. Жумладан, Бадиий ижодкорлар уюшмасининг анжуманлар залиди Ўзбекистон Кинофотононда ҳужжатлари миллий архиви томонидан тақдим этилган материаллар асосида Ўзбекистон



амалий санъати тарихига оид ҳужжатли фильмлар намойиши бўлиб ўтди. Сўнгра кулолчилик заводига саёҳат, Акбар Раҳимовнинг кулолчилик мактабида учрашув ва маҳорат дарси ўтказилди. Шу билан бирга, тадбир доирасида амалий санъат ва дизайн йўналишлари бўйича ижодий таинлов ташкил этилди.

Кўргазмага тақдим этилган ижодий ишлар Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланиб, турли йўналишлар бўйича голиблар аниқланди.

Кўргазманинг "Энг сара миллий либослар коллекцияси" йўналиши бўйича қорақалпоғистонлик Мехрибон Айтназова, "Энг моҳир ёш наққош" йўналиши бўйича наманганлиги Севара Ҳотаммирзаева, "Энг иқтидорли ёш хаттоғ" йўналиши бўйича саса тошкентлик Мадина Собитова голиб, деб топилди.

"Навқирон Ўзбекистон" республика ёш ижодкорлари амалий санъат кўргазма-танловининг бош соворини – Гран-прига тошкентлик кулол Шоҳруҳ Раҳимов сазовор бўлди.

Голиблар кўргазманинг дипломи ва соғвалари билан тақдирландилар. Шунингдек, кўргазма иштирокчилари сертификат топширилди.

Сарвара ҚОСИМОВА

## ЁШЛАР ОВОЗИ

### БОЛАЛИК

Болалик ҳам ўтар экан бир зумда,  
Ақа-ука ахли эдик меҳрибон,  
Урушсак гар ярашардик бир зумда,  
Энди бўлса кўришамиз ҳар замон.

Болаликда осмонларда учар эдик,  
Кушлар каби самоларни қучар эдик,  
Гоҳо олим, гоҳо буюк шоир бўлиб,  
Хаёл билан орзуларга етар эдик.

Кани энди беғубор шўх болалигим,  
Капалакдай тўхтамасдан учуб кетди,  
Қанот ёзиб осмонларда қушдай бўлиб,  
Мендан олдин самоларни қучиб кетди.

### БАҲОР

Яна келди ўша мен соғинган баҳор,  
Кувончлар баҳш этди маъюс дилимга,  
Чалмай ҳам кўйганди куйини ҳам тор,  
Софинчлар тўлдириб ҳар кун куига.

Кўёш ҳам соғинди осмонни ҳар он,  
Булутлар тўсдилар унинг йўлуни,  
Дарахтлар уйкуда, уйкуда ҳамон,  
Кутарлар соғиниб ўйғоқ кунини.

### ЙЎҚЛАБ ТУРИНГ

Йўқлаб туринг бу дунёдан ўтганда ҳам,  
Таъзим қилинг бошингиз ерга текканда ҳам,  
Далда бўлинг кўз ёшланиб ютганда фам,  
Кўлингиздан келса агар меҳр беринг.  
Отам дея, онам дея йўқлаб туринг.

Оғриса гар кўксингизда юрагингиз,  
Ақам дея ачинади жигарингиз,  
Укангиздан бошқа кимга керагингиз,  
Кўлингиздан келса агар меҳр беринг,  
Ақам дея, укам дея йўқлаб туринг.

Ақажон деб ким боради ёнингизга,  
Кувонч берар ғамғин тўла юзингизга,  
Кўзи толиб кўз тикиди ўйлингизга,  
Кўлингиздан келса агар меҳр беринг,  
Опам дея, синглим дея йўқлаб туринг.

Нур беради зулмат тўла ўйингизга,  
Файз беради дуо қилиб тўйингизга,  
Омад берар, баҳт беради кўлингизга,  
Кўлингиздан келса агар меҳр беринг,  
Отам дея, онам дея йўқлаб туринг.

### ОНАМ АЧИНАДИ ҲАММАДАН КҮПРОК

Ҳаётда ҳеч кимга қолмасин куним,  
Бахтим кулганида йўқлаб келаркан,  
Омадсиз қолганда бирор бир куним,  
Ҳатто дўстларим ҳам юзин буаркан,  
Мен учун тик турбид қалбида титроқ,  
Онам ачинади ҳаммадан кўпроқ.

Дардимни айтольмай оғриса жоним,  
Ийилсан тутувчи дустим бўлмаса,  
Узоқдан термулиб кўриб аҳволим,  
Ғанимлар оптимдан йўлум пойласа,  
Дустим ачинмайди ҳолимга бироқ,  
Онам куонади ҳаммадан кўпроқ.

Тушганда қолсан гар эгиб бошимни,  
Баъзан жигарим ҳам хабар олмайди,  
Артолмай қолсан гар кўзда ёшими,  
Менинг аҳволимни ҳеч ким билмайди,  
Мен учун тик турбид қалбида титроқ,  
Онам ачинади ҳаммадан кўпроқ.

Дилшода НОРМУРОДОВА,  
Қизириқ туманидаги  
17-мактаб ўқувчиси

## НАВОЙДАН АДАБ БЎСТОНИ КЎРКАМ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти универсitetining бу йилги битирувларни орасида қўшини афғонистонли ёшлар ҳам бор. "Ғаройиб ус-сифар" девонидаги ғазаллар поэтикаси мавзусида магистрлик диссертациясини ёқлаган Қамаруддин Қанет Ҳожисахидод ўзининг қувончи чексиз. Филология фанлари номзоди, доцент Каромат Муллахўжаевга иммий раҳбарида Навоий ижодиди нибади жиҳатдан чуқур таҳжил қиласиган хорижлик магистрант она тилимиз жозибаси ва луғат бойлигига мафтуҳ бўлганини айтади. У таҳсил давомиди ўзи ва ҳамортларига сиддиқидан таълим берган устозларига миннатдорлик билдириб, ўзбек ҳалиқи ва Ўзбекистон Президентига самимий ҳурмат-эҳтиромини изкор этди. Қўйидаги шеърни кўшини давлат фуқаросининг самимий икрори ва миннатдорчилиги рамзи деб қабул қиласигиз.

Саломулло алайкум, эй азизлар,  
Хуш келдик, бизни  
хуш кўрдингиз сизлар.  
Хузурингиз эрз бўзларга ёвэр,  
Суурингиз берур бўзларга бовар.  
Эрурсиз ахли дил, эл узат хотам,  
Фасоҳат бобида гўёни Хотам.  
Меним-чун ушбу кун фахру камолидир,  
Бунда таҳсил олмоқ юксак амодир.  
Ўзбек тили бойдир, эл соғ ниятда,  
Комил илму адаб, ҳам шеъриятда.  
Навоийдан етди бу тил камолга,  
Унинг ижоди-ла ётук жамолга.  
Навоийдан адаб бўстони кўркам,  
Баҳорон ўлдино, кўкламакда ҳам.  
Эрур сўз мулкунинг соҳибкорини,  
Билим иқлимининг кишишаристони.  
Жаҳонда турк элин қилди сарафroz,  
Тилим туркон деб айлади ўзоз.  
Бу кун дунё ўкуб, қилгай таажубу,  
Унинг осорини фарзоналар хуб.  
Навоий мактубидан элу сultonton,

Қилур касби камолу илму ирфон.  
Бу мактаб ахли ўлмак орзудир,  
Муяссрар ўлса улкан обрўидир.  
Улув устозлара мингларча раҳмат,  
Фаровон, чекдилар биз учун заҳмат.  
Раҳматлар айтамиз юрт аҳлига ўч,  
Дегаймиз: Баракалпоқ еру то кўк.  
Эрурган содику ҳизматга шойик,  
Анису муниси хурматга лойик.  
Эрур элбошингиз ёнг хаяси инсон,  
Билинг қадирин, бу юртсиз гулистан,  
Футувват бирла элин айлади ёд,  
Элу юртнин авайлаб, килди обод.  
Бутун юрту улусни саклади у,  
Бутун ҳаққу ҳукуқин ҳақлади у.  
Дилимда сиз учун бордир муҳаббат,  
Демак, ҳаргиз унумтасман бу улфат.  
Илоҳим, турк элатин қилсин обод,  
Фано водийсила уқбода дилшод.

Қамаруддин Қанет  
Ҳожисахидод ўғли

## КИТОБ ТАҚДИМОТИ: "ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ"

Самарқанд шаҳрида «Янги Ўзбекистон – инсон қадри улугланган юрт» шиори остида бўлиб ўтгандан маданий-мавриғий тадбирлар доирасида «Ўзбекистон Қаҳрамонлари» китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Инда Ўзбекистон Қаҳрамони, маънавиятни изкор этди.

Тақдимоти Республика Маънавияти ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минхажиддин Ҳожиматов очиб берди ва олии борди.

Республика Маънавияти ва маърифат маркази ташабbusи билан «Маърифат» тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигига «Ўзбекистон Қаҳрамонлари» китоби чоб этилди. Мазкур китоб альбом милиятимиз қаҳрамонларига эҳтироми сифатida яратилди. Инда Ватанимиз тараққиётга бекиёс хисса кўшиб.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони ҳамда «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирланган бир юз учун фуртодши мизининг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур китобда ҳабтнинг турли синовонлига қарамай сабаб билан меҳнат қилиб, ҳалиқимиз фаровонлиги йўлида ҳизмат қиласиган давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, иши-хизматчилар, устозлар, дехқон, чорвадорлар, санъат ва маданият ходимлари, барча жаҳаларда олиб бораилётган юксак бунёдкорлик ишларида доимо камарбаста бўлган замондошларининг умр йўллари акс этган.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухобри

Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Фозил ФАРХОД,  
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Фозил ФАРХОД,  
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Фозил ФАРХОД,  
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Фозил ФАРХОД,  
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Фозил ФАРХОД,  
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Фозил ФАРХОД,  
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Фозил ФАРХОД,  
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси  
Аҳборот хизмати бўлими бошлиги

Ўзбекистон Ёзувч